



## ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Абдухаликова Дилора**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0009-2037-2905

[diloraabdukhalikova@gmail.com](mailto:diloraabdukhalikova@gmail.com)

**Аннотация.** Мақола иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий ҳолатини тизимли баҳолаш ва уларни барқарор ривожлантиришга қаратилган амалий ёндашувни таклиф этади. Тадқиқотда ликвидлик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик, фаолият ва активлар рентабеллиги каби кўрсаткичлар асосида диагностик модел тузилади. Муаллиф банкротлик хавфини баҳолаш учун прогноз баланс, пул оқимлари бюджети ва даромад-ҳаражатлар бюджетини ўзаро боғлиқ ҳолда қўлашни, нарх-ҳамкорлик тузилмасини қайта кўриб чиқиш, харажатларни оптималлаштириш, айланма активларни тезлик ва қайтариш имкониятига кўра қайта таркиблаштиришни таклиф қилади. Мақола натижалари ночор корхоналарда молиявий соғломлаштиришни тезкор бошлаш ва узоқ муддатли рақобатбардошликка эришиш учун методик асос бўлиб хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** ночор корхона, молиявий диагностика, ликвидлик, тўлов қобилияти, прогноз баланс, антикризис бошқарув, реструктурлаш, корпоратив барқарорлик.

## ПУТИ ОЦЕНКИ ФИНАНСОВОГО СОСТОЯНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИ НЕБЛАГОПОЛУЧНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ И ЕГО РАЗВИТИЯ

**Абдухаликова Дилора**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В статье предлагается практический подход к систематической оценке финансового состояния экономически неблагополучных предприятий и их устойчивому развитию. В исследовании создается диагностическая модель на основе таких показателей, как ликвидность, платежеспособность, финансовая устойчивость, операционная рентабельность и рентабельность активов. Для оценки риска банкротства автор рекомендует использовать взаимосвязанную триаду прогнозный (про форма) баланс, бюджет движения денежных средств и бюджетный отчет о прибылях и убытках, а также пересмотреть ценовую и партнерскую политику, оптимизировать затраты и реформатировать оборотные активы по скорости оборачиваемости и степени возвратности. Полученные результаты создают методологическую основу для оперативного начала финансового оздоровления проблемных компаний и достижения долгосрочной конкурентоспособности.

**Ключевые слова:** проблемное предприятие, финансовая диагностика, ликвидность, платежеспособность, прогнозный баланс, антикризисное управление, реструктуризация, корпоративная устойчивость.

## WAYS TO ASSESS THE FINANCIAL CONDITION OF ECONOMICALLY DISADVANTAGED ENTERPRISES AND DEVELOP IT

**Abdukhaliqova Dilora**

*Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** *The article proposes a practical approach to systematically assessing the financial condition of financially distressed enterprises and guiding their sustainable development. The study builds a diagnostic model based on indicators such as liquidity, solvency, financial stability, operating profitability, and return on assets. To evaluate bankruptcy risk, the author recommends using an interlinked trio of the pro forma balance sheet, cash-flow budget, and budgeted income statement, alongside a review of pricing and partnership arrangements, cost optimization, and reconfiguration of current assets by turnover speed and recoverability. The findings provide a methodological basis for promptly initiating financial rehabilitation in distressed firms and achieving long-term competitiveness.*

**Keywords:** *distressed enterprise, financial diagnostics, liquidity, solvency, pro forma balance sheet, anti-crisis management, restructuring, corporate resilience.*

### **Кириш.**

Молиявий ҳолат корхонанинг фаровонлигини кўрсатувчи асосий индикаторлардан бири бўлиб, фаолият натижаларини акс эттиради, бизнес фаоллиги ва ишончилигини, молиявий рақобатбардошлик, тўлов қобиллик ва кредит қобилиятни тавсифлайди, шунингдек давлат ва бозордаги шериклар олдидаги мажбуриятларни бажариш тартибини намоён қилади. Агар салбий аломатлар аниқланса, корхона инқирозни локаллаштира оладими-йўқми, «ҳа» бўлса — стагнациядан чиқариш ва хавфни олдини олиш учун устувор чора-тадбирлар йўналишини белгилаш зарур.

Иқтисодий ночорлик (тўловга ноқобиллик хавфи) — корхонанинг молиявий ресурслари ва пул оқимлари мажбуриятларни ўз вақтида қоплашга етмаслигидан далолат берадиган ҳолатдир. Бундай вазиятда тезкор, аниқ ва холис диагностика, шунингдек босқичма-босқич соғломлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга (Lund, 2018).

Молиявий ҳолат — корхона ресурслари манбалари, уларнинг жойлашуви ва самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими. Молиявий барқарорлик — корхонанинг ички ва ташқи шоклар шароитида ҳам ўз мажбуриятларини қоплаш, инвестиция ва ишлаб чиқаришни давом эттириш қобилияти. Ночорлик хавфи эса ликвидлик танқислиги, юқори қарз юки, паст рентабеллик, айланма капиталнинг “қотиб қолиши” каби сабаблар натижасида юзага келади.

Диагностика режа ва прогнозлар, стратегия ва тактика, ҳамда уларни амалга ошириш чораларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. У бошқарувнинг барча даражаларида талаб этилади: аниқ ва равшан диагнозсиз объект ёки жараён ривожланишининг альтернативаларини тўғри баҳолаб бўлмайди. Диагностика — тадқиқотлар асосида бошқарув объектининг ҳолатини аниқлаш, заиф нуқталарни кўрсатиш ва таҳлил яқунланган санага нисбатан холис хулоса чиқариш жараёнидир.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Бозор иқтисодиётида мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлиши, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жалб этишга шароит яратади. Бу эса маҳсулот таклифининг ортиши орқали бозордаги нархларнинг пасайишига, ҳамда иштирокчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига олиб келади. Натижада бозор субъектлари фаолиятида банкротлик жараёнлари ҳам фаоллашади. Айни

пайтда пандемиядан кейинги шароитда кузатилаётган глобал инқироз хавфи жаҳон иқтисодиётига босим ўтказмоқда. Шу сабабли корхоналарда иқтисодий ночорлик ва банкротликка қарши чораларни кучайтириш долзарб вазифага айланди.

Бариленко (2015) ўзининг асарларида банкротлик хавфини диагностика қилиш молиявий ҳолатни комплекс таҳлилнинг ажралмас қисми деб таъкидлаган. Ликвидлик ва тўлов қобилият, молиявий барқарорлик (қоплаш, автономия), бизнес фаоллик ва рентабеллик амалий диагностика учун классик скоринг моделлари (Алтман, Таффлер, Бийвер ва б.) қўллаган ва натижаларни тармоқ ва ширкат ўлчамига мослаш зарурлигини таъкидлаган.

Брендина (2018) рақобатли бозор шароитида ФХД таҳлилининг вазифаси — банкротликкача бўлган “эрта огоҳлантириш” сигналларини аниқлаш кераклигига аҳамият берган. Индикаторлар: ликвидлик коэффицентлари, қарз юки ва фоизларни қоплаш, айланма капитали етарлилиги, маржиналлик тенденцияларини таҳлил қилиш натижаларига таяниб, бошқарув қарорларида харажатларни оптималлаштириш ва даромад каналларини диверсификация қилиш таклиф этилган.

Губертов ва Грибкова (2017) молиявий ҳолат таҳлилининг мақсади — тўлов қобилият ва барқарорликни баҳолаш орқали банкротлик эҳтимолини пасайтириши мумкинлигини ўрганган. Принциплар: тизимлилик, қиёсийлик (динамика ва бенчмарк), ишончли маълумот базаси. Вазифалар: ликвидлик/солвентлик, капитал тузилмаси, қоплаш ва фаоллик кўрсаткичлари бўйича интеграл баҳолаш кераклиги аниқланган.

Петросян (2013) корхона молиявий ҳолатини баҳолашнинг марказий мезони — тўлов қобилият ва капитал етарлилиги; банкротлик хавфи шуларнинг узоқ муддатли ёмонлашувида намоён бўлишини ўзининг илмий асарларида таъкидлаган. Қисқа муддатли ликвидлик кўрсаткичларини узлуксиз мониторинг қилиш заруратини муҳимлигини айтиб ўтган.

Юнусова “Молиявий ҳолат тушунчаси совуқ ҳисоб-китоб эмас, балки ликвидлик, молиявий барқарорлик ва самарадорлик ўртасидаги мувозанатдир” дея таърифлайди. Банкротлик — ушбу мувозанатнинг изчил бузилиши натижаси; шунинг учун индикаторлар мажмуаси (ликвидлик, левераж, айланиш, фойдалилик)ни биргаликда таҳлил қилиш лозим (Хасанов, 2022).

Савитская корхонанинг молиявий барқарорлиги — бу хўжалик юритувчи субъектнинг ички ва ташқи омиллар ўзгариб турган шароитда ҳам барча активлар ва мажбуриятлар (пассивлар) мувозанатини сақлаган ҳолда мавжуд бўлиши ва ривожланиш қобилиятидир дуб таъкидлайди (Билик, 2015).

Родионова “Молиявий барқарорлик” — бу корхонанинг молиявий ресурслари, уларнинг тақсимланиши ва фойдаланилиши шундай ҳолатки, у фойданинг ўсиши асосида корхона ривожланишини таъминлайди ҳамда мақбул хавф даражасида тўловга қобилиятлилик ва кредитга лаёқатлиликни сақлайди (Зеленюк, 2014).

### **Тадқиқот методологияси.**

Мазкур тадқиқотнинг методологияси иқтисодий ночор корхоналар молиявий ҳолатини баҳолаш ва уларни ривожлантириш йўллари аниқлашга қаратилган илмий ёндашувлар мажмуасига асосланади. Тадқиқотда иқтисодий таҳлил, тизимли ёндашув, статистик ва компаратив усуллар, шунингдек индуктив ва дедуктив таҳлил методлари қўлланилди.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар мураккаб иқтисодий вазиятга дуч келмоқда, шу сабабли молиявий ҳолатни кўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган сиёсат зарур. Молияни самарали бошқариш мунтазам таҳлилсиз имконсиз: молиявий таҳлил — бу корхона молиявий фаолиятига таъсир этувчи омиллар бўйича ишончли гипотеза ва прогнозлар ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқот ва баҳолаш жараёнидир.

Молияни бошқаришда таҳлил — молиявий ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва фойдаланишнинг усули бўлиб, қуйидаги мақсадларга хизмат қилади:

— корхонанинг мулкӣ мажмуаси ва молиявий ҳолатини баҳолаш, ривожланиш истиқболларини аниқлаш;

— молиявий таъминланганлик нуқтаи назаридан кутилаётган динамикани прогнозлаш;

— қўшимча маблағ манбаларини сафарбар этиш эҳтиёжи ва эҳтимоллини баҳолаш;

— капитал бозоридаги ҳолатни олдиндан кўриш.

Амалий жиҳатдан асосий вазифа — молиявий фаолиятдаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаб бартараф этиш, молиявий барқарорлик ва тўловга қобилиятни ошириш резервларини топишдир. Бунинг учун:

1. молиявий, ишлаб чиқариш ва тижорат кўрсаткичлари ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиб, маблағларнинг келиб тушиши ва фойдаланилишини баҳолаш;

2. реал иш шароитларини инobatга олган ҳолда энг эҳтимолли молиявий натижалар ва рентабелликни прогнозлаш, мос молиявий моделларни ишлаб чиқиш;

3. ташкилотнинг молиявий самарадорлигини таъминлайдиган чора-тадбирлар мажмуини тайёрлаш зарур.

Молиявий ҳолат — бу ташкилот фаолиятининг молиявий ресурслари ва уларнинг қўлланилишини акс эттирувчи тавсиф. У ички ва ташқи молиявий муносабатлар тизимида обектив равишда шаклланади ҳамда корхона молиясининг тақсимланиши ва жойлаштирилишини ифодаловчи иқтисодий категория ҳисобланади. Ҳолат характериға кўра инқирозий, инқирозолди, барқарор ва нобарқарор турларға ажратилади. Барқарор ҳолат оқилона молиявий-хўжалик бошқаруви натижаси бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмларига ва ресурслар билан таъминотга ижобий таъсир кўрсатади.

Молиявий-иқтисодий ҳолатни диагностика қилиш корхоналарнинг «тўловга ноқобиллик» зонасига тушиб қолишиға олиб келадиган умумий, типик ва индивидуал сабабларни аниқлашға ёрдам беради. Баҳолаш натижасида қуйидаги кенг тарқалган сабаблар белгиланади:

1. Маҳсулот рақобатбардошлигининг пастлиги: истеъмол хусусиятлари заиф, нархлар эса юқори.

2. Ҳатто ликвид маҳсулот сотилганда ҳам тушумнинг ўз вақтида келиб тушмаслиги.

3. Корхоналар ўртасида бартер муносабатлари кенглиги туфайли тушумда нақд пул улушининг камлиги.

4. Давлат томонидан буюртма қилинган, аммо тўланмаган маҳсулот бўйича дебитор қарздорлик; бу етказиб берувчилар ва ходимлар олдидаги кредитор қарздорликнинг ўсишиға сабаб бўлади. Бундай қарз — айланмадан олиб қўйилган капитал ва қўшимча мулк бўлиб, сақлаш, кўриқлаш харажатлари ҳамда мол-мулк солиғи юкини оширади.

5. Корхона балансидан чиқмаган идора уй-жой фондини сақлаш харажатларининг баландлиги: амалда аҳоли эксплуатациянинг тўлиқ қийматини тўламайди, қолган қисм корхонанинг фойдаси ҳисобига қопланади; уй-жойни муниципалитетға ўтказишда капитал ва жорий таъмир, коммуникацияларға катта сарфлар талаб этилади.

6. Электр энергияси, газ ва иссиқликни сотувчи монопол ташкилотлар олдидаги қарздорлик: баён этилган қувват нотўғри белгиланиши сабаб қарз сунъий равишда ошиши, лимитдан ортиқ сарф учун жарималар қўлланилиши мумкин. Шунингдек, сув таъминоти учун тўлов кечиктирилса, қаттиқ пенялар юзага келади ва бу тўловқобилликни пасайтиради.

7. Ишлаб чиқариш қисқариши туфайли фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш, маъмурий ва маиший майдонлар, шунингдек, битирилмаган объектлар ва қиммат ускуналарнинг молиявий юки: уларнинг амортизацияси, мол-мулк солиғи, иситиш ва ёритиш харажатлари юқори бўлиб, кўп ҳолларда устама (накладной) харажатлар маҳсулот таннархининг 50%идан ортиқ улушини эгаллаб, реализацияда зарар келтириши мумкин.

Иқтисодий таҳлил муаммоларни ўз вақтида олдини олиш ва яхшилаш йўлларини топишга имкон беради. Молиявий ҳолатни баҳолаш — молиявий таҳлилнинг бир қисми бўлиб, мақсад-вазифаларга ва муайян давр баланс кўрсаткичларига таянади. Маълумотларнинг асосий манбаи — бухгалтерия ҳисоботидир; унда баланс асосий шакл саналади, бошқа шакллар эса прогнозларнинг аниқлигини оширади.

Диагностика учун асосий маълумот манбаи — корхона ҳисоботи; тадқиқот натижаси — кейинги ҳаракатлар учун тавсиялар рўйхати. Ҳозирги шароитда бу тавсиялар айниқса муҳим: улар асосида стратегия қайта кўриб чиқилади, бюджет тузатилади, устуворликлар ўзгартиради. Ноқобиллик хавфини олдини олиш ва умумий молиявий соғломлаштириш учун прогноз баланسدан фойдаланиш ҳамда бюджетли бошқарув технологияларини жорий этиш таклиф этилади — бу ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ва стратегик мақсадларга эришишни кучайтиради.

Прогноз баланс — бюджет даври (ой, чорак, ярим йиллик, йил) якунида ташкилотнинг кутилган ҳолатини кўрсатувчи молиявий ҳисобот шакли. У ташкилотнинг ягона бюджети шаклланишининг якунловчи босқичида тузилади ва операцион, ёрдамчи ҳамда молиявий бюджетлар (нақд пул оқимлари, даромад-харажатлар бюджети, инвестиция бюджети) маълумотларига таянади.

Прогноз балансдаги маълумотлар бюджет даври ичидаги ҳар бир ҳисобот интервали якунида тақдим этилади (интерваллар — корхона ихтиёрида: ойлик ёки чораклик). Энг мақбули — календарь йилини бюджет даври сифатида қабул қилиш ва уни ойлар/чоракларга бўлиш; бу бухгалтерия ҳисоби ва бюджетлаш тизими ўртасидаги узвийликни таъминлаб, бюджет назоратини енгиллаштиради.

Прогноз балансни тузишда халқаро услубга устуворлик бериш маъқул: актив ва мажбурият моддалари ликвидлик даражаси камайиш тартибида жойлаштирилади. Бундай тузилма ликвидлик ва тўлов қобилликни самарали бошқаришга хизмат қилади.

Прогноз балансининг пасивлари активларни шакллантириш манбалари ҳисобланади: ташкилот фаолияти натижасида вужудга келган барча турдаги қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятлар ҳамда ўз капитали. Пассивнинг аввалида «Қисқа муддатли мажбуриятлар» берилади: жорий қарздорлик, қарзлар ва кредитлар, бошқа мажбуриятлар. Зарур бўлса, жорий қарздорлик етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарз, ходимларга иш ҳақи бўйича қарз, давлат нобюджет жамғармалари олдидаги ҳамда бюджет олдидаги қарзларга тармоқланиб кўрсатилади. Ликвидлик ва тўловқобилликни бошқариш мақсадида узоқ муддатли мажбуриятлар ҳам «қарзлар ва кредитлар» ҳамда «бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар»га алоҳида ажратилади.

«Ўз капитали» бўлимига устав капитали, фондлар ва резервлар, тақсимланмаган фойда моддалари киритилади; мазмуни жиҳатидан бухгалтерия балансининг «Капитал ва резервлар» бўлимига тўлиқ мос келади. Прогноз балансининг ушбу тузилмаси аниқлангандан сўнг, уни шакллантириш учун маълумот манбаларини белгилаш зарур. Бунинг учун бюджетлаштириш тизимида бюджет архитектураси — қайси таркибий бўлимлар/масъулият марказлари қайси бюджетларни тузиши рўйхати аниқланади.

Бунда қарорни ташкилот раҳбарияти қабул қилади; танлов бюджетлаштириш тизими мақсадлари, ташкилот миссияси ва молиявий тузилмаси, иқтисодий шароитга боғлиқ.

Прогноз балансни тузишда давр охиридаги пул маблағлари давр бошидаги қолдиқ ва Пул оқимлари бюджети бўйича соф пул оқимлари асосида аниқланади; ушбу модданинг қиймати танланган сана учун пул оқимлари бюджетидаги якуний салдо билан тенг бўлади. Дебиторлик қарзлари, одатда, Даромадлар ва харажатлар бюджети пул оқимлари бюджети бўйича тушум пул оқимлари бюджетида қайд этилган сотувлар бўйича пул тушумларидан кўпроқ бўлганда вужудга келади; бунда прогноз баланси тузилган санадаги аванслар қолдиғи ҳам инобатга олинади. Муқобил усулда дебиторлар ҳисоблари харидорлар тўловлари жадвалидан кўчирилади.

Хомашё ва материаллар ҳамда тайёр маҳсулот ва товарлар захиралари давр охирида мос равишда материаллар истеъмоли бюджети ва сотилган маҳсулот таннархи бюджетидан олинади.

Йиғилган амортизация ишлаб чиқариш устама харажатлари ҳамда савдо ва бошқарув харажатлари бюджетларидаги режалаштирилган ажратмалар асосида ҳисобланади ва балансда “минус” белгиси билан кўрсатилади.

Таъминотчилар олдидаги кредиторлик қарзлари харид бюджетида ҳисобланади; бу ерга етказиб бериш (логистика) хизматлари бўйича қарзлар (маҳсулотларни миқдорларга етказиш харажатлари бюджетидан) ва офис сарфлари (ёки савдо ва бошқарув бюджети) бўйича қарзлар ҳам киритилади.

Меҳнат ҳақи бўйича қарздорлик асосий ходимлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш бюджети ҳамда савдо ва бошқарув харажатлари бюджетидан аниқланади.

Бюджет олдидаги солиқ мажбуриятлари ҚҚС бюджети, харажатлар бюджетлари (транспорт солиғи, мол-мулк солиғи, ЖШДС ва бошқалар) ҳамда БҲР (ташкилот фойда солиғи) бўйича йиғилади.

Давлатдан ташқари жамғармалар (пенсия, ижтимоий суғурта, мажбурий тиббий суғурта) олдидаги мажбуриятлар иш ҳақи суммалари режасига мувофиқ ҳисобланади.

Барча бюджетларнинг тўғри боғланганлигини кўрсатувчи асосий мезон — активлар ва пасивлар йиғиндиларининг тенглигидир. Агар баланс “йиғилмаса”, кириш маълумотларини кетма-кет текшириб, ҳар бир ўзгаришдан сўнг активлар ва пасивлар фарқининг қандай ўзгаришини кузатиш, таъсир кўрсатган операцион бюджетларни аниқлаш ва уларнинг формуллари ҳамда боғланишларини тузатиш лозим.

Мазкур баланс тузилмаси ликвидликни баҳолашга ва тўловга қобилият ҳамда ликвидликнинг нисбий кўрсаткичларини ҳисоблашга имкон беради. Тўловга қобилият — бу контрагентлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш салоҳиятидир; уни дастлаб баланс ликвидлиги орқали баҳолаш мумкин. Баланс ликвидлиги мажбуриятларнинг уларни пулга айлантириш муддатлари билан мос келадиган активлар билан қопланганлик даражасини англатади: бунинг учун активлар пулга айланиш тезлигига қараб камайиш тартибида, пасивлар эса тўлаш муддатларига кўра ортиш тартибида гуруҳланади ва якунлари таққосланади.

Жорий ликвидлик коэффитциенти ташкилотнинг барча айланма активлар ҳисобидан қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш бўйича потенциал имкониятини кўрсатади; коэффитциентнинг ўсиши ликвидлик ва тўловга қобилиятнинг ижобий прогнозидан далолат беради. Умумий тўловга қобилият коэффитциенти эса қарз юкламасининг умумий даражаси ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишнинг эҳтимолий муддатларини тавсифлайди. Кўшимча равишда прогноз балансдан қуйидагиларни баҳолаш мақсадга мувофиқ: функционал капиталнинг маневрлик коэффитциенти (захиралар ва узоқ муддатли дебиторликда “музлаб қолган” улуш), активларда айланма маблағлар улуши, ҳамда корхонанинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффитциенти.

Прогноз баланс маълумотлари молиявий инқироз аломатларини ва банкротлик эҳтимолини диагностика қилишда қўл келади. Агар прогноз даврида ликвидлик ва тўловга қобилият кўрсаткичлари мақсадли даражага етмаса ёки ёмонлашиш тенденцияси кузатилса, операцион ва ёрдамчи бюджетларга қайтиб, режа кўрсаткичларини тизимли тарзда қайта кўриб чиқиш, чора-тадбирлар мажмуасини аниқлаш зарур — бу муаммоларни юзага келишидан олдин бартараф этишга ва самарадорликни оширишга ёрдам беради.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса қилиб айтганда, прогноз баланс кўрсаткичлари ташкилотнинг бюджет давридаги самарадорлигини баҳолашга имкон беради, бироқ бу бюджетни тасдиқлаш учун етарли эмас: натижаларни аввалги даврлар фактлари, белгиланган мақсадли молиявий коэффициентлар ва ташкилотнинг узоқ муддатли режаларига солиштириш керак. Ички бюджетлашув тизимида прогноз баланс асосида ликвидлик ва тўловга қобилиятни мунтазам таҳлил қилиш бошқарув қарорларини ўз вақтида ва асосли қабул қилишга, ташқи шароитдаги ўзгаришларга тезкор жавоб беришга, устувор йўналишларни тўғри белгилашга ҳамда ташкилотнинг келгусидаги молиявий ҳолатини моделлаштириш ва башоратлашга хизмат қилади.

Бозор иқтисодиётида корхонанинг молиявий барқарорлиги тасодиф эмас, узлуксиз таҳлил ва бюджетли бошқарувга таянади. Корхонадаги тўловга лаёқатсизлик хавфини олдиндан аниқлаш ва уни бартараф этиш учун молиявий кўрсаткичлар мунтазам таҳлил қилиниши лозим. Рақобатбардошлик пастлиги, тушум интизоми бузилиши, кредит ва дебитор қарзларнинг ошиб кетиши, фойдаланилмаётган активлар ва юқори коммунал-энергетик харажатлар — буларнинг барчаси молиявий барқарорликка таҳдид солади. Уларни эрта аниқлаш ва чора кўриш — корхонанинг молиявий соғломлигини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Прогноз баланслар — молиявий бошқарувнинг марказий воситасидир. Операцион ва молиявий бюджетлар билан уйғунликда ишлаб чиқилган прогноз баланслар ликвидлик ва мажбуриятлар мослигини олдиндан таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса эҳтимолий салбий тенденцияларни аниқлаш ва уларни ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатмасдан бартараф этиш имконини яратади.

Корхона молиявий барқарорлигини таъминлашда ликвидлик кўрсаткичларини бошқариш ҳал қилувчи омилдир. Активлар пулга айланиш тезлиги, пассивлар муддатига мослик, жорий ликвидлик даражаси, тўловга лаёқатлилик, айланма маблағлар билан таъминланганлик — бу каби молиявий коэффициентларни мақсадли диапазонда ушлаб туриш зарур.

Шундай қилиб, молиявий таҳлил — бу нафақат корхонанинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, балки уни барқарор ривожлантириш учун зарур бўлган профилактик восита, стратегик режалаштириш асбоби ва самарали бошқарув механизмидир.

### **Адабиётлар/Литература/Референсе:**

Lund, Susan. 2018. *Are We in a Corporate Debt Bubble/Project Syndicate*. Available online: <https://www.project-syndicate.org/commentary/growing-corporatedebt-crisis-risks-by-susan-lund-2018-06> (accessed on 3 August 2021)

Бариленко В.И. *Комплексный анализ хозяйственной деятельности: / под ред. В. И. Бариленко*. - М.: Издательство Юрайт, 2015.- 455 с.

Билык, Н. Д. *Сущность и оценка финансового состояния предприятий*. Финансы РФ, 3, 2015. 117стр.

Брендина Е.Е. *Сущность и роль анализа финансово-хозяйственной деятельности предприятия в рыночных условиях*. / *Аллея науки*. – т.7, - №6(22), - 2018 г., стр. 144-148

*Губертон Е.А., Грибкова Д.О. Экономическая сущность, принципы и задачи анализа финансового состояния предприятия. Территория науки. №6, - 2017г., - стр. 101-106*

*Зеленюк, Н. А. Учётно-аналитическое обеспечение управления доходами на предприятиях в сфере ресторанно-гостиничного бизнеса. Управление развитием сложных систем, 5, 2014. 103-110стр.*

*Петросян К.Г. Сущность и значение оценки финансового состояния предприятия. Мир экономики и права. - №3, - 2013 г., стр.23-26*

*Хасанов Н. “Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида банкротлик ва санациянинг назарий асослари” Диссертация автореферати. Т. Банк молия академияси. 102 б. 2022*